

## ТАСДИҚЛАЙМАН

Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими

муdiri  О.Зияева

  
31 . 08. 2022 йил

**Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

### **ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Танлаш хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлаш иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

### **ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

#### **1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

**1. Танлаш предмети: Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли 15 ДМТМ.**

1.2. Танлаш қиймати: Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли 15 ДМТМ чегара деворини жорий таъмирлаш ишлари учун қиймати 197 000 000 (Бир юз тўқсон етти миллион) сўм ни ташкил этади. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сўнг 30 иш куни давомида буюртмачи томонидан кўрсатилган тамирлаш ишларини тўлиқ таъминлаш.

1.4 Ишларни бошлаш муддати– шартнома Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг томонларнинг келишувига асосан 30 кун муддат ичида етказиб берилиши шарт. (бунда: об-ҳаво ёки шунга ўхшаш ҳолатлар ўрганилади).

#### **2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин–“Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли 15 ДМТМ.

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлаш Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими - "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлаш предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танлашлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлаш ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган маҳсулотлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлаш иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш ҳужжатлари қоидаларини танлаш ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



**Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 15-мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий тамирлаш ишлари бўйича  
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Ишгирикчилар учун маълумотлар
1	Махсулот номи	Чегара деворини жорий таъмирлаш
2	Буюртмачи	Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими
3	Буюртма учун асос	Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 15-мактабгача таълим ташкилоти чегара деворини жорий тамирлаш
4	Махсулот етказиб бериладиган манзил	Фарғона вилояти Бағдод тумани Оқ олтин кўчаси
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган ишларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариб бериш.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос ҳолда тўланади
7	Иш тури	Чегара деворини жорий таъмирлаш
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб олдиндан 30% тўлов ўтказилгандан сўнг 30 кун муддат ичида бажариш.
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт.
10	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан
11	Бажариладиган ишлар қиймати	197 000 000 (Бир юз тўқсон етти миллион) сўм
12	Пудратчи ташкилот тўғрисида маълумот	Пудратчи ташкилот низоми руйхатдан утказилгани тўғрисида гувоҳнома
13	Банк ва солиқдан қарзи йуклиги тўғрисида	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йуклиги тўғрисида маълумот Қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида маълумот

14	Машина механизмлар тўғрисида	Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хақида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корxonанинг кафолат хати
15	Рейтинг	Пудратчининг Курилиш вазирлиги махсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот
16	Молиявий ҳолати	Корxonани охириги йиллик баланс ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиш керак).Курилиш ташкилотини ҳисоб рақамида конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % миқдорда пул маблағи мавжуд бўлиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати
17	Ишчи ходимлар тўғрисида	Инжинер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши ҳамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)
18	Иш тажрибаси	Ташкилотни охириги уч йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ўхшаш объеклда бажарган ишлари тўғрисида маълумот
19	Кафолат хати	Пудратчи 12 ой мобайнида бажарилган ишлар учун кафолат бериш керак .Агар шу муддат ичида носозлик ҳолати аниқланса пудратчи ҳисобидан бартараф этилади

Котиб

Ю.Хусанова